



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-3>

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Xabibullayeva Dilfuza Kuanishbay qizi</b> DAVLAT XIZMATLARI TUSHUNCHASI VA UNING HUQUQIY MAQOMI.....	5
<b>2. Халилова Нигорахон Акмалжон кизи</b> РОЛЬ СВОБОДЫ СЛОВА В МЕХАНИЗМЕ КОНТРОЛЯ НАД ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ.....	12
<b>3. Baratov Mirodiljon Khomudzhonovich, Khakimov Ravshan Tulkunovich, Akramxodjaev Bori Toxtaxodjaevich</b> ACCESSION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TO THE WORLD TRADE ORGANIZATION AND CURRENT ISSUES OF CYBER PROTECTION OF THE AUTOMOTIVE INDUSTRY OF UZBEKISTAN.....	19
<b>4. Фахриддинов Аловуддин Фахриддинович</b> КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШГА ОИД АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	26
<b>5. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ: МИРОВЫЕ ОРИЕНТИРЫ И ОПЫТ СТРАН ЦАРЭС И ОТГ.....	34
<b>6. Давлятов Валишер Хакимжанович</b> АДВОКАТЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ: АҲАМИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	58
<b>7. Рустамов Нодирбек Илхомович</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	65
<b>8. Ametova Nurjamal Qudaybergenovna</b> HARBIY YOКИ MAXSUS UNVONDAN MAHRUM ETISH TARZIDAGI QO‘SHIMCHA JAZO TURINI TA‘YINLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	74
<b>9. Садуллаев Жахонгир Джамshedович</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРГАНЛИК, СОТГАНЛИК ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	80
<b>10. Матжанов Илхам Адилбаевич</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ОАВ ДА ТАРҚАЛГАН ХАБАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АҲАМИЯТИ.....	88
<b>11. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОРРУЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	95
<b>12. O‘rinova Dilshoda Adxamovna</b> AYOLLAR JINOYATCHILIGINING SABABLARI, UNI VUJUDGA KELITIRUVCHI SHART- SHAROITLAR.....	108



**Фахриддинов Аловуддин Фахриддинович,**  
 Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақил изланувчиси  
 E-mail: alovuddin1975@gmail.com

**КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШГА ОИД  
 АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ**

**For citation:** Fakhriiddinov Alovuddin Fakhriiddinovich. THE LEGAL BASIS FOR THE PREVENTION AND DISCLOSURE OF PICKPOCKETING. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 3, pp. 26-33

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15158607>

**АННОТАЦИЯ**

Илмий мақолада кассавурлик жиноятини олдини олиш ва содир этилиб фoш этилмасдан қолган кассавурлик жиноятини фoш этишнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилиб, фoш этилмаган кассавурлик жиноятини фoш қилиш мақсадида ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимларга ҳуқуқий асос бўлувчи ҳуқуқий нормаларнинг тавсифи берилган. Ҳуқуқий нормаларга кетма-кетлик бўйича шарҳ берилиб, уларнинг ҳар бирининг асоси ва қўлланилиш тартиби батафсил ёритилган, бир қатор норматив-ҳуқуқий муаммолар кўтарилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий асос, тезкор-қидирув фаолияти, кассавурлик жиноятини олдини олиш, кассавурлик жиноятини фoш этиш.

**Фахриддинов Аловуддин Фахриддинович,**  
 Самостоятельный соискатель Академии  
 Министерство внутренних дел Республики Узбекистан  
 E-mail: alovuddin1975@gmail.com

**ПРАВОВАЯ ОСНОВА ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И РАСКРЫТИЯ КАРМАННЫХ КРАЖ**

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются правовые основы профилактики карманных краж и выявления нераскрытых карманных краж, а также описываются правовые нормы, являющиеся правовой основой деятельности сотрудников оперативных подразделений органов внутренних дел по выявлению нераскрытых карманных краж. Правовые нормы излагаются последовательно, подробно разъясняются основания и порядок применения каждой из них, также обозначены ряд нормативно-правовых проблем.

**Ключевые слова:** правовая основа, оперативно-розыскная деятельность, предупреждение карманных краж, раскрытие карманных краж.

**Fakhriddinov Alovuddin Fakhriddinovich,**  
Independent researcher of Academy  
of the Ministry of Internal Affairs  
E-mail: alovuddin1975@gmail.com

## THE LEGAL BASIS FOR THE PREVENTION AND DISCLOSURE OF PICKPOCKETING

### ANNOTATION

The article examines the legal basis for the prevention of pickpocketing and the detection of unsolved pickpocketing, and describes the legal norms that are the legal basis for the activities of employees of operational units of internal affairs agencies to detect unsolved pickpocketing. The legal norms are presented sequentially, the grounds and procedure for applying each of them are explained in detail, a number of regulatory and legal problems are also identified.

**Keywords:** legal framework, operational investigative activities, prevention of pickpocketing, detection of pickpocketing.

Қонунчиликнинг устувор вазифаларидан бири бу фуқароларнинг мулк ҳуқуқига бўлган дахлсизликларини таъминлаш ҳисобланади. Фуқароларни мулкӣ турдаги тажовузлардан сақлаш учун ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар самарали фаолият юритишлари лозим.

Киссавурлик жиноятларига қарши курашишда тезкор-қидирув фаолияти унинг асосий ажралмас қисмларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳар қандай тури сингари тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда ТҚФ деб юритилади) ҳам турли ҳуқуқӣ ва норматив манбаалардан иборат бўлиб, ушбу манбаалар унинг ҳуқуқӣ асосини ташкил этади.

Норматив-ҳуқуқӣ база деганда биз ТҚФни тартибга солувчи барча қонун ва қонуности ҳужжатларни тушунишимиз лозим.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида, “Ҳуқуқӣ тартибга солиш – бу жамиятдаги турли хил ижтимоӣ муносабатларни маълум кетма-кетликда ҳуқуқӣ тартибга солишда ёрдамлашувчи ҳуқуқӣ воситалар тизимидир” деб тушунча берилади [1].

Ҳуқуқӣ тартибга солиш механизми жамиятдаги турли-туман ижтимоӣ муносабатларга мунтазам равишда ва муайян кетма-кетликда таъсир этиш жараёнидир. Ҳуқуқӣ тартибга солиш жараёни–ижтимоӣ муносабатларга ҳуқуқӣ таъсир этиш, уларни амалга ошириш, режалаштириш ва такомиллаштиришнинг қатъӣ белгиланган тартибидир. Ҳуқуқӣ тартибга солиш ҳар қандай ижтимоӣ жараён сингари ўзининг бошланиш ва ниҳояланиш нуқталарига эга. Бу жараён давлат томонидан ҳуқуқӣ нормалар яратишдан бошланади. Ҳуқуқӣ норма халқнинг давлат идорасини ўзида ифодаловчи, уни ҳуқуқӣ муносабат иштирокчиларига етказувчи восита сифатида вужудга келади ва амал қилади [1].

Жиноятчиликка қарши курашишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган ТҚФни ҳуқуқӣ тартибга солувчи қонунчилик нормасининг йўқлиги, ТҚФ назарияси олимлари томонидан олиб борилган изланишлар давомида доим таъкидлаб келинган.

Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида илмӣ тадқиқотлар олиб борган ҳуқуқшунос олимлар Ю.С.Пулатов, А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, В.Каримов, Ш.К.Гиясов, Ш.Х.Алиев, М.М.Хайдаровлар тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқӣ асосларини ўрганишган.

Россиялик олимлардан А.Ю.Шумилов, В.М.Атмажитов, В.Г.Бобров каби олимларнинг ишлари ҳам соҳа ривожига катта ҳисса қўшган. Улар тезкор-қидирув фаолиятининг назарий-ҳуқуқӣ асосларини, тактик жиҳатларини чуқур ўрганишган.

Тезкор-қидирув фаолияти бўйича илмӣ изланишлар давом этмоқда ва бу соҳада янги ёндашувлар, концепциялар ишлаб чиқилмоқда. Бу эса соҳанинг ҳуқуқӣ тартибга солинишини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Давлат ва ҳуқуқ назариясига кўра, ҳуқуқӣ тартибга солиш жараёнини уч асосий босқичга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий муносабатларни меъёрга солувчи юридик норманинг яратилиш босқичи;
2. Ҳуқуқий норманинг амал қилиш босқичи;
3. Юридик нормада назарда тутилган ҳолатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келганда субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг амалга оширилиши босқичи [1].

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари [4].

Киссавурлик жиноятини фош этишнинг ҳуқуқий асосларига тўхталар эканмиз, биринчи навбатда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, мол - мулк дахлсизлигини таъминлаш Ички ишлар органларига юклатилган жиноятчиликка қарши курашишнинг энг бирламчи ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боби «Конституция ва қонуннинг устунлиги» деб номланиб, мазкур боб Конституциянинг Асосий принциплар бўлимида жойлашган [5]. Назариядан маълумки, принцип деганда раҳбарий қоидалар назарда тутилади. Агар Конституциянинг бошқа бўлимлари ўртасида қандайдир тушунмовчилик келиб чиқадиган бўлса, масала назарияга кўра асосий принципларга таяниб ҳал қилиниши керак. Шу маънода қонун устуворлигининг Асосий принциплар бўлимида жойлаштирилганлиги мамлакатимизда мазкур принципга алоҳида аҳамият берилганидан далолатдир.

Конституциянинг мазкур бобидаги ҳамда бошқа нормаларида мустаҳкамланган қоидаларни таҳлил қилиш қуйидаги фикрларни келтириб чиқаради: биринчидан, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Иккинчидан, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Учунчидан, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас [6].

Киссавурликка қарши курашиш, уни фош этишни тезкор-қидирув фаолиятисиз таъсавур этиш қийин. Киссавурликни фош этишни ҳуқуқий тартибга солиш даражасининг энг муҳим норматив ҳужжати бу Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонундир. Қонун 2012 йил 25 декабрь куни қабул қилинган бўлиб, шу кунга қадар бир неча бор ўзгартирилди ва тўлдирилди.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан иккита асосий вазифа ҳал қилинди:

- тезкор-қидирув фаолияти учун ҳуқуқий асос яратилди;
- тезкор-қидирув фаолиятига жиноятчиликка қарши курашнинг давлат-ҳуқуқий шакли сифатида расмий мақом берилди.

Қонунга асосан Тезкор-қидирув фаолияти - ушбу Қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият турилиги белгиланган [7].

Қонун ишлаб чиқилишида назариячи олимлар ва амалиётчилар томонидан Конституцион нормалар ва бошқа қонунчилик талабларига риоя этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мисол учун, тезкор-қидирув фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, конспирациядан, ошқора ва ноошқора усуллар уйғунлигидан иборат. Шунингдек, Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартларида ТҚФ усулларини ўтказиш шартлари аниқ белгиланган.

Турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишга қаратилган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ушбу тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тартиблари аниқ белгилаб берилган [8].

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Қонунга асосан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ваколатига кириб, тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларидан бири жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш ҳисобланади [9].

Жиноятларни фош этиш учун кейинги ҳуқуқий асос бу Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни ҳисобланади [10]. Қонун Ички ишлар органларининг асосий вазифалари ва улар фаолиятининг йўналиш ва тамойилларини белгилаб беради. Қонуннинг 2-моддасида, Ички ишлар органларининг асосий вазифалари этиб фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборатлиги кўрсатилган.

Ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра, Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан: тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳисобланади.

Қонуннинг 16-моддасига кўра, Ички ишлар органлари: жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриш мажбуриятга эга.

Қонун моҳиятига кўра жиноятчиликка, шу жумладан кассавурлик жиноятларига қарши курашиш нафақат жиноят қидирув бўлинмалари, балки барча ички ишлар органларига юклатилган вазифадир.

Ички ишлар органлари фаолияти жамиятимизни деярли барча соҳасини қамраб олган бўлиб, унинг соҳавий хизматларининг иш фаолияти алоҳида қонунлар билан ҳам тартибга солинган.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 01.05.2017 йилдаги ПҚ-2940-сон Қарорига кўра, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш республика, ўрта ва қуйи бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг асосий вазифа ва функцияларнинг аниқ белгилаш ва тақсимлаш ҳамда ҳар бир ходимнинг ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун шахсий жавобгарлигини назарда тутувчи сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш лозимлиги белгиланган.

Кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, вокзаллар ва бошқа жамоат жойларида хизмат патруль-пост нарядлари томонидан олиб борилиши, бу ушбу нарядларни хизмат кўрсатиш ҳудудида кассавурликка жиноятларига қарши курашишга масъул эканликларини билдиради [11].

Биз жамоат жойларида хавфсизликни таъминлаш деганда Миллий гвардия органларини эса олмасликни иложи йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг асосий вазифаларидан бири “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни

аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида аҳоли пунктларидаги жамоат жойларида патруллик қилиш”дан иборатлиги кўрсатилган [12].

Ушбу вазифа, Қонуннинг 27-моддасида Миллий гвардия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриши;

жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаши мажбурият тариқасида берилган.

Миллия гвардия бўлинмаларига бозорлар ва истироҳат боғларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш юклатилган экан, улар ўзларининг хизмат кўрсатиш ҳудудларида ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан қиссавурлик жиноятларига қарши курашишга масъулдирлар [13].

Қиссавурликка қарши курашишда муҳим қатнашиши лозим бўлган ички ишларнинг яна бир хизмати бу Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларидир. Профилактика инспекторлари ўз ваколати доирасида хизмат кўрсатиш ҳудудларида деярли барча соҳа муаммоларига жалб қилинганликлари боис, тезкор қизиқиш уйғотувчи маълумот олиш имконияти кенгроқ. Шу билан бир қаторда. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни асосида жиноятчиликка қарши курашиш ваколатлари юклатилган [14]. Жумладан, Қонуннинг 10-моддаси, Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларига:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш;

ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш;

жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этиш;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўриш киради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонуни 35-моддаси талабида профилактик ҳисобга олинган ёки Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги Қонунига [15] асосан маъмурий назорат ўрнатилган қиссавур шахс, профилактика инспектори томонидан профилактик назоратни тўғри ташкил қилганда, ё жиноятни олдини олган бўлади, ёки профилактик ҳисобдаги шахс тузалиш йўлига кирмаса ўзи шахсий ташаббуси билан қиссавурни жиноий жавобгарликка тортилишга сабабчи бўлади [2].

Жиноятчиликка қарши курашишда асосий қўлланма бу жиноий қонунчилик ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи бўйича илмий адабиётлар ЖКнинг 169-м. 2-к. “а”-б.га таъриф берар экан, асосан унинг матнини келтириш билан чекланилган.

Жиноят кодексининг махсус қисми шарҳида жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (қиссавурлик) республиканинг жиноят қонунига киритилган янги оғирлаштирувчи ҳолатлиги кўрсатилган. Бунга қиссавурликнинг анча кўп тарқалганлиги, иккинчидан, айбдор бевосита жабрланувчининг ўзида турган мулкни тортиб олиши, бу эса, жабрланувчини ўз мулкига суиқад қилинаётганлигини пайқаб қолса, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатилиши хавфи туғилиши мумкинлиги билан изоҳланган.

Қўл юки деганда, жабрланувчи шахсан олиб ўтувчи, шакли ва тузилишидан қатъий назар, енгил олиб ўтилувчи буюм ва ашёлар тушунилади. Ушбу буюмлар, одатда, жабрланувчининг ўзида бўлади, яъни унинг қўлида, елкасида, ёнбошида ёки устида жойлашган ёхуд судраб, итариб кетаётган бўлади [3].

Киссавурлик жиноятларига қарши курашишга ички ишлар масъул бўлганликлари сабабли, ЖПКнинг 345-моддасининг 5-қисмига кўра 169-моддаси иккинчи қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, ЖПКнинг 391-моддасига кўра Ички ишлар органлари терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган ҳисобланиб, ушбу модда талабига кўра терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш вазифаси юклатилиб, Ички ишлар органларига шу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Жиноят қидирув бўлинмалари томонидан юқорида кўрсатилган асослар бўйича киссавурлар фаолият юритиш жойи юқори бўлган, бозорлар, жамоат трнапсорти ва бошқа ерларда тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширадилар. Келиб тушган киссавурлик тўғрисидаги мурожаатлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатларини билан шуғулланадилар.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан уйғунликда жиноятларни фoш этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосни яратган.

ТҚФ тартибга солувчи кейинги ҳуқуқий нормалар тизимида, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият юқори органлари томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларидан иборат бўлиб, бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари туради.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддасига асосан, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади. Шу сабабли ТҚФни тартибга солиш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари давлат сирини ташкил қилганлиги сабабли матбуотда эълон қилинмайди.

Ушбу сабабли Қонун чекланган давлат органларига, яъни ТҚФ субъектларига ТҚФнинг турли ташкилий, тактик ва услубий масалаларини идоравий тартибга солиш ҳуқуқини берган. ТҚФни тартибга солиш бўйича ИИВ томонидан манфаатдор органлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ ёпиқ ҳужжатлардир, ушбу сабаблар биз уларни ҳуқуқий таҳлил қила олмаймиз.

ТҚФга бағишланган илмий анжуманларда айрим олимлар томонидан ТҚФ тўғрисидаги кодекс ишлаб чиқилиши тўғрисида илмий баҳслар юритилган. Ушбу таклифни ёқлаган ва унга қўшилмаган олимлар ҳам мавжуд. ТҚФ тўғрисидаги кодекс ишлаб чиқиш таклифини бераётган олимларда ўз асослари бўлсада, ушбу таклифни аввал амалиётчилар ўртасида муҳокама қилиниши, таклифнинг барча салбий ва ижобий томонлари ўрганиб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

ТҚФни тартибга солувчи қонуности норматив ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарорларидир. Бугунги кунда ТҚФга бағишланган алоҳида Олий суди пленумининг қарори мавжуд эмас. Ўрганиб чиқилган пленум қарорларининг айримларида тезкор-қидирув тадбирлари ёритилган. Улар қаторига Олий суд пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 24-сон қарорини киритиш мумкин.

ИИВ ТҚД ЖКХ томонидан жойларда тезкор-излов бўлинмаларининг киссавурлик ва жамоат жойида содир этиладиган бошқа ноаён жиноятларга қарши курашиш фаолияти

ўрганилганда норматив-ҳуқуқий томондан бир қатор муаммолар мавжудлиги ва ушбу муаммолар бошқа жиноят қидирув соҳалари билан уйғунлиги аниқланди.

ЖПКнинг 81-моддасининг (Далилларнинг турлари) 3-қисмида “...агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ушбу натижалар далил сифатида тан олинishi мумкин”лиги кўрсатилган. Шунингдек, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддаси 3-хатбошида “Қонуннинг 16-моддаси шартларига риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин”лиги белгиланган.

Демак, қонунчилик талабларига асосан ТҚФ натижасида олинган маълумотлар ЖПКга мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши “мумкин” деб ҳаракатланилса, ЖПКга асосан жиноят иши бўйича далилларга баҳо бериш субъекти бўлган, терговчи, прокурор ва суд томонидан ўз шахсий, субъектив фикрига асосланиб ТҚФ натижаларини далил сифатида тан олинмаслигига йўл очилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЖПКнинг 81-моддасининг 3-қисми ва Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 19-моддаси 3-хатбошисини “**Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилади**” деб аниқлик киритиш лозим.

Киссавурлик жиноятини фош этишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш якунида хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ички ишлар органларига жиноятнинг ушбу турига қарши курашишга имкон берадиган кучли қонунчилик базаси яратилган. Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларни ривожланиши, Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сони ортаётганлиги ва бошқа ҳолатлар, ҳозирги маълумотлар алмашиши тезлашган замонда, ТҚФнинг барча субъектларига ва олимларга унинг ҳуқуқий тизимини доимий такомиллаштириш масъулиятини юклайди.

## Иқтибослар/Сноски/References:

1. Сайдуллаев Ш.А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ТДЮУ. Дарслик, Тошкент – 2018, 193-б; (Saidullaev Sh.A. Theory of State and Law. TSLU. Textbook, Tashkent - 2018, p. 193)
2. ИИВ Ҳуқуқий статистика маълумотига кўра ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан 2022-2023 йилларда 16 та киссавурлик фош этилган; (According to legal statistics from the Ministry of Internal Affairs, 16 pickpocketing cases were solved by the crime prevention units of the Ministry of Internal Affairs in 2022-2023)
3. М.Х. Рустамбаев, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. Тошкент, Адолат-2016, 314-315 б.; (M.Kh. Rustambaev, Commentary on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Special part. Tashkent, Adolat-2016, pp. 314-315)
4. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни. (Law of the Republic of Uzbekistan "On Regulatory and Legal Acts" No. URQ-682 dated April 20, 2021)
5. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси; (The new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan)
6. М.Миракулов, ю.ф.д., доцент, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2015-2025, www/constitution.uz.; (M. Mirakulov, PhD, associate professor, Constitution of the Republic of Uzbekistan, 2015-2025, www/constitution.uz.)
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 2012 йил 25 декабрдаги 344-сон Қонуни 3-моддаси; (Article 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan No. 344 dated December 25, 2012 "On operational-search activities")
8. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан ушбу тартибга ўзгартириш киритилмоқда; (Changes are being made to this

regulation in connection with the adoption of a new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan)

9. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ—344-сон Қонунининг 4 ва 10-моддалари; (Articles 4 and 10 of the Law of the Republic of Uzbekistan No. URQ-344 dated December 25, 2012)

10. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни; (Law of the Republic of Uzbekistan No. URQ-407 dated September 16, 2016)

11. ИИВ Ҳуқуқий статистика маълумотида кўра ИИВ ППХ ва ЖТСБ бўлинмалари томонидан 2022-2023 йилларда 8 та қиссавурлик фош этилган; (According to the Ministry of Internal Affairs' Legal Statistics, 8 cases of pickpocketing was uncovered by the Patrol and post service units of the Ministry of Internal Affairs in 2022-2023)

12. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-647-сон Қонуни; (Law of the Republic of Uzbekistan No. URQ-647 dated November 18, 2020)

13. ИИВ Ҳуқуқий статистика маълумотида кўра Миллий гвардия органлари томонидан 2022-2023 йилларда 1 та қиссавурлик фош этилган; (According to the Ministry of Internal Affairs Legal Statistics, 1 case of pickpocketing was uncovered by the National Guard in 2022-2023)

14. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 12 майдаги ЎРҚ-371-сон Қонуни; (Law of the Republic of Uzbekistan No. URQ-371 dated May 12, 2014)

15. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги ЎРҚ-532-сон Қонуни; (Law of the Republic of Uzbekistan No. URQ-532 dated April 2, 2019)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 3

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000